

## КЛАСТЕРЛАШТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЁТ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИГА ТАЪСИРИ

Бегимова Дилшода Комилжоновна  
Ўзбекистон миллий университети таянч докторанти  
E-mail: [bobotikfd@mail.ru](mailto:bobotikfd@mail.ru)

**Аннотация:** Мақолада янги иқтисодий тузилмаларни шакллантиришнинг кластер тамойили асослаб берилган. Тармоқли тузилмаларни яратишнинг шарт-шароитлари, сабаблари ва механизмлари таҳлил қилинган. Кластер схемаси асосида ишлаб чиқаришнинг хусусиятлари, афзалликлари ҳамда улар фаолиятини ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи омиллар таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** кластер, рақобатбардошлик, агрегация, интеграциялашган тузилмалар, трансакция харажатлари, конвергенция.

**Аннотация:** В статье обосновывается кластерный принцип формирования новых структур экономики. Анализируются предпосылки, причины и механизмы создания сетевых структур. Анализируются особенности, преимущества производства на основе кластерных схем и барьеры в пути развития их деятельности.

**Ключевые слова:** кластер, конкурентоспособность, агрегация, интеграционные структуры, трансакционные издержки, конвергенция.

**Abstract:** The article substantiates the cluster principle of the formation of new economic structures. The prerequisites, causes and mechanisms of creating network structures are analyzed. The features, advantages of production based on cluster schemes and barriers to the development of their activities are analyzed.

**Key words:** cluster, competitiveness, aggregation, integration structures, transaction costs, convergence.

### Кириш

Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш масаласи бугунги кунда ҳар бир мамлакат ҳукумати олдида турган асосий вазифалардан биридир. Рақобатбардошлик мамлакатнинг жаҳон бозоридаги ўрнини белгилайди. Миллий маҳсулотларга ички ва ташқи бозордаги юқори талаб ишлаб чиқариш ҳажмини оширади, иқтисодий ўсишни таъминлайди. Минтақавий ва миллий иқтисодиёт миқёсида рақобатбардошликни таъминлаш мураккаб жараён бўлиб, тизимли, изчил, илмий асосланган чора-тадбирларни амалга оширишни талаб этади. Бу масала иқтисодий фаннинг доимий диққат марказида. Аммо, иқтисодчи олимларнинг мавзуга доир баҳс-мунозаралари, таҳлиллари, яратилган илмий ишларига қарамай, фанда миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги атамасининг моҳиятини тўла очиб берувчи бирор назария мавжуд эмас. Мамлакат иқтисодиёти рақобатбардошлиги атамасининг умум эътироф этилган таърифи ҳам ишлаб чиқилмаган. Фанда корхона рақобатбардошлигининг аниқ таърифи мавжуд бўлсада, уни мамлакат иқтисодиётига нисбатан қўллаб бўлмайди. Мавзунинг долзарблиги, амалий аҳамиятининг юқорилиги уни назарий жиҳатдан чуқурроқ ўрганишни тақозо этади. Зеро, бутун дунёда коронавирус пандемияси сабабли вужудга келган глобал

иқтисодий инқироз шароитида ҳар бир мамлакат мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини таъминлаш орқали иқтисодий барқарорликка эришиши мумкин.

Кўпгина мамлакатларда ишлаб чиқаришнинг мавжуд тузилмаси иқтисодий ўсиш кўрсаткичларига салбий таъсир этмоқда. Бунда гап иқтисодиётда тармоқлар орасидаги алоқаларнинг тўғри ташкил этилмаганлиги ёки ўзилиб қолганлиги ҳақида бормоқда. Иқтисодий фан олдидаги вазифа минтақавий, миллий ва ҳалқаро даражада жадал иқтисодий ўсишни таъминлай олувчи ва рақобатбардошликни оширувчи иқтисодий сиёсат механизмини ишлаб чиқишдир. Бунда тармоқлараро мажмуалар ҳисобланмиш кластерлар тузиш услубиётини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Чунки кластерлар ўзига хос "ўсиш нуқталари" бўлиб, тармоқлараро муносабатлардаги тузилмавий камчиликларни ва ҳўжалик субъектларида шаклланган бир тармоқли ишлаб чиқариш тузилмасини бартараф этади.

Ўзбекистонда ҳам миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш масаласи долзарбдир. Айни вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда [1]. Ўзбекистонда иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишда асосий эътибор таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилишга қаратилган. Ишлаб чиқаришни кластер усулида ривожлантириш амалиётининг ташкил этилиши шў мақсад томон қўйилган бир қадамдир. 2017-2020 йиллар орасида мамлакат иқтисодиётининг турли соҳа ва тармоқларини кластер усулида ривожлантириш, кластерлар ташкил этишни кўзда тутувчи ўндан ортиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари имзоланди. Бу Қарорлар асосида бир қатор вилоятларимизда кластерлар ташкил этилди ва бу борадаги ишлар давом эттирилмоқда. Мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим соҳалари бўлмиш қишлоқ ҳўжалиги ва саноат интеграциясини таъминлашда кластерлаштириш сиёсати айниқса аҳамиятлидир. Шундай экан, мамлакат иқтисодиёти рақобатбардошлигини оширишга кластерлар фаолиятини ривожлантириш орқали эришиш масаласи иқтисодий фанда долзарб ҳисобланади. Ушбу мақола кластерларнинг миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш имкониятларини таҳлил қилишга бағишланган.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Мамлакатлар иқтисодиёти рақобатбардошлигини бошқариш масаласи билан хорижий мамлакатларда ва мамлакатимизда кўпгина олимлар шўғилланадилар. Ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг кластер ёндошувидан мамлакатимизда фойдаланила бошланганига кўп вақт бўлмаган бўлсада, хорижда рақобат назарияси асосчилари бу йўналишни анчадан буён ривожлантириб келмоқдалар.

Мамлакатларнинг ҳалқаро савдода рақобатбардошлигини таъминлашнинг илмий асосларини классик мактаб асосчиси Адам Смит ўзининг мутлоқ устунлик назариясида ишлаб чиққан бўлса, унинг таълимотини кейинчалик шогирди Д. Рикардо нисбий устунлик назариясида ривожлантирди [2]. Бу назарияларда илк бор

мамлакатлар орасидаги савдо икки томонлама фойдали бўлиши асосланиб, миллий иқтисодиётнинг имконият (устунлик)ларидан келиб чиқиб бу фойдани максималлаштириш йўллари таҳлил қилинди.

Рақобатбардошликни бошқаришда кластер схемаларидан фойдаланиш назариясининг асосчиси Майкл Портер ҳисобланади. Майкл Портернинг фикрига кўра, мамлакат ёки минтақа иқтисодиётининг рақобатбардошлиги валюта курси, фоиз ставкаси, бюджет камомади, арзон ишчи кучи, табиий бойликлар каби омилларга эмас, балки ишлаб чиқариш маҳсулдорлигига боғлиқ. Ишлаб чиқариш корхоналарида маҳсулдорликнинг ўсиб бориши иқтисодиётнинг мунтазам ривожланишини талаб қилгани ҳолда, турли тармоқ корхоналари маҳсулотлар сифатини ошириш, истеъмол хоссаларини кенгайтириш, технологияларни ривожлантириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўли билан ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштириб боришлари лозим бўлади [3].

Портер мамлакатларнинг рақобатдаги устунликларини тўрт гуруҳга бирлаштириб (омиллар учун шароитлар, талабнинг ҳолати, ўзаро боғлиқ тармоқлар, барқарор стратегия, тузилма ва рақобат), мамлакатнинг рақобатдаги устунликлари детерминантини ишлаб чиқди. Омиллар орасида боғлиқлик ва тўғри пропорционал алоқа мавжуд. Рақобатбардошликни таъминлашнинг ўзига хос инструменти сифатида кластер схемалари таклиф қилинган бўлиб, уларга ҳудудий жиҳатдан яқин жойлашган ўзаро алоқадорликдаги компаниялар ва уларга боғлиқ ташкилотлар гуруҳи бўлиб, улар бир соҳа доирасида ўзаро биргаликда ва бир-бирини тўдирган ҳолда фаолият олиб борадилар деб таъриф берилган [3].

Кейинчалик бу назария Ф.Рейнс тадқиқотларида ривожлантирилди. Ф.Рейнснинг рақобатбардошлик борасидаги иқтисодий қарашлари ҳам М.Портерники каби асосан ишлаб чиқариш жараёнининг ва маҳсулотнинг сифат кўрсаткичларини ривожлантириб боришга асосланган [4]. Бунда кластер схемаларини яратиш амалиёти бозор иқтисодиёти анчадан буён амал қилиб келаётган мамлакатлар мисолида ишлаб чиқилган.

Ўзбекистонда миллий иқтисодиёт ва унинг тармоқлари рақобатбардошлигини оширишнинг турли жиҳатлари, кластерлар ташкил этишнинг назарий-услубий асослари ва ташкилий масалалари Г.Захидовнинг илмий тадқиқотларида ўрганилган. Ушбу тадқиқотларда ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг кластер схемаси мамлакат минтақавий сиёсатини амалга оширишнинг, иқтисодиётнинг турли тармоқлари рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим инструменти сифатида таҳлил қилинган.

#### **Тадқиқот методологияси**

Иқтисодиёт соҳа ва тармоқларини кластер сиёсати асосида ривожлантиришнинг иқтисодиёт рақобатбардошлигига таъсири масаласини тадқиқ қилишда иқтисодий жараёнларни кузатиш, маълумотлар тўплаш, тўпланган маълумотларни таҳлил қилиш ва синтезлаш каби иқтисодий тадқиқот усулларида фойдаланилди.

#### **Таҳлил ва натижалар**

Ҳозирда ишлаб чиқаришни ташкил этишда кластер ёндошувини қўллаш мамлакат иқтисодиёти таркибий тузилишини такомиллаштиришнинг энг самарали усули сифатида эътироф этилмоқда. Кластерлар ҳозирда дунё миқёсида шу қадар оммалашганки, уларнинг қамрови маълум шаҳар, минтақа, давлат ёки ўзаро

чегарадош бир неча мамлакатлар ҳудуди қадар бўлиши мумкин [5]. Кластерлар таркибига одатда тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи, ишлаб чиқариш омиллари, эҳтиёт қисмлар, механизмлар етказиб берувчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналар, баъзан уларга қўшимча сотув каналлари ва истеъмолчилар билан ишловчи корхоналар, инфратузилма провайдерлари, фан ва таълим, ахборот, стандартлаштириш соҳасидаги давлат ташкилотлари ҳам киради. Баъзи кластерлар таркибида тадбиркорлар уюшмалари ҳам ташкил этилиши мумкин.

Кластер схемасининг агрегациялаш қобилияти юқори бўлиб, у ҳудудий тармоқлаштириш доирасида иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқлари орасидаги интеграл алоқаларни тўла қамраб олади [6]. Юқори самарадорлик сабаб турли иқтисодий субъектлар кластер доирасида ўзаро биргаликда фаолият олиб боришдан манфаатдор бўладилар. Кластерлар трансакция ҳаражатларини камайтиради, ўзаро интеграциялашаётган субъектларнинг инвестицион ва инновацион ресурсларининг кооперациясини, ишлаб чиқариш жараёнининг тўғри ташкил этилишини таъминлайди, бозор конъюнктураси нобарқарор бўлган вазиятларда хавф-хатарни оптималлаштириш имконини беради. Уларнинг инвестицион жозибадорлиги юқори бўлиши ўзида инновацияларни мужассам этгани билан боғлиқдир.

Кластер моделини минтақавий даражада ривожлантиришда стратегик вазифа тадбиркорларнинг психологиясини ўзгартириш, уларга кластер уюшмасининг аъзолари орасидаги иқтисодий ҳамкорлик барча иштирокчилар учун самарали эканлигини тушунтиришдир. Чунки хусусий сектор вакиллари иқтисодий фаолиятда мустақилликни ёқтирадилар ва кластерлар таркибига бирлашишни ўз эркинликларини чегаралаш деб қабул қилишлари мумкин. Кластерлаштириш сиёсати макродаражада ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг тармоқ, технологик ва институционал таркибини модернизациялашни талаб этади.

Ривожланган кластер тузилмали иқтисодиёт қўйидаги белгиларга эга бўлади:

- Рақобатбардош корхоналарнинг мавжудлиги;
- Минтақаларнинг рақобатдаги устунликларга эга бўлиши ва улардан самарали фойдаланишнинг йўлга қўйилганлиги;
- Кластерлар таркибидаги корхона ва ташкилотларнинг ҳудудий мужассамлашуви, оралиқ масофанинг узоқ эмаслиги;
- Кластерлар иштирокчиларининг кенг доирадан эканлиги;
- Иштирокчилар орасидаги доимий ўзвий алоқадорлик ва ўзаро таъсир кучининг юқори эканлиги [7].

Кластерлар таркибидаги корхоналар рақобатбардошлигининг таъминланиши ҳудуднинг имкониятлари ва инновацияларни ўйғунлаштириш орқали амалга оширилади. Инновациялар инвестициялар оқимини таъминлайди, минтақанинг табиий-иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш имконини беради. Ҳудудий концентрация даражасининг юқорилиги трансакция ҳаражатларини камайтириб, ўзаро хўжалик алоқаларини осонлаштиради ва тезлаштиради. Бу алоҳида корхоналар ва оқибатда бутун кластернинг рақобатбардошлигини ошириб, ягона тизимга бирлашиб фаолият юритишдан манфаатдорликни кучайтиради. Кластер доирасидаги фаолият технологик инновациялар диффузиясини вужудга келтиради, фан техника ютуқларидан фойдаланиш даражасини оширади, ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланишнинг янги самарали комбинацияларини вужудга келтиради. Натижада

корхоналар орасида иқтисодий конвергенция содир бўлади. Тармоқ ичидаги ва тармоқлараро рақобат кучайиши натижасида миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги ортиб боради.

Кластерларда ишлаб чиқариш ҳаражатларининг минималлашуви миқёс самараси билан изоҳланади. Бунда ўртача ўзгармас ҳаражатларнинг камайиши ҳисобидан ўртача умумий ҳаражатлар камаяди. Бунга бозорни ўрганиш билан боғлиқ ҳаражатларни мисол қилиш мумкин. Барча корхоналар ягона истеъмолчига, демакки ягона бозорга хизмат қилганлиги сабабли муайян бозор сегментини ўрганиш бутун тизим учун етарли бўлади. Кластерларда ташиш, саклаш, техник хизмат кўрсатишга сарфланган ҳаражатларни ҳам минималлаштириш имконияти мавжуд. Ўртача умумий ҳаражатларнинг камайиши маҳсулот таннархига ижобий таъсир кўрсатиб, маҳсулот бозорда нарх борасида яққол устунликка эга бўлади. Бу бозорда нарх воситасида рақобатлашув имконини беради.

Мамлакатда кластерлар фаолияти бозор итисодиётининг хусусиятлари, тадбиркорлик муҳити ва давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатидан келиб чиқади [8]. Тузилиши жиҳатидан рақобатбардошликни ошириш борасида энг самаралиси инновацион кластерлардир. Бунда вертикал шаклда интеграциялашган корхоналарнинг ресурс имкониятлари бирлаштирилиб, янги билимлар, технологиялар ва инновацияларни тарқатиш бўйича аниқ йўналишли тизим ҳосил бўлади. Бу тизим самарали равишда ва минимал ҳаражатлар билан ихтироларни инновацияларга, инновацияларни эса рақобатбардошликни ошириш омилига айлантира олади. Инновацион кластерларнинг мамлакатдаги фан-техника салоҳияти юқори бўлган ҳудудларда мужассамлашуви махсус инновацион зоналарни вужудга келтиради. Ривожланган мамлакатларда бундай ҳудудлардаги кластерлар ўзаро рақобатлашмасдан, иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларига хизмат қиладилар ва мамлакатнинг ривожига хисса қўшадилар.

Мамлакатлардаги баъзи иқтисодий ва ташкилий муаммолар кластерлар фаолиятини ривожлантиришга тўсқинлик қилиши мумкин. Бу муаммолар асосан иқтисодиёти ривожланаётган мамлакатларда кузатилади. Улар қаторига ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришдаги номутаносибликлар, мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг яхши ривожланмаганлиги, инфратузилманинг нотекис ривожланганлиги, ташкилотчилар ва давлат орасидаги ўзаро ишончсизлик, ахборотлар асимметрияси ва тармоқлардаги номукамал рақобатли муҳит кабиларни киргизиш мумкин.

### **Хулоса ва таклифлар**

Кластерлаштиришнинг иқтисодиёт рақобатбардошлигига таъсирини тадқиқ қилиш жараёнида қуйидаги хулосалар шаклланди:

- мамлакатлар иқтисодиёти рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида унинг таркибий тузилишини такомиллаштиришда энг самаралиси кластер ёндошувидир;
- кластерлар ўз хусусиятларидан келиб чиқиб нарх ва сифат борасида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятига эга;
- мамлакатда кластерларнинг фаолияти шакли ва мазмуни бозор иқтисодиётининг хусусиятлари, тадбиркорлик муҳити ва давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатидан келиб чиқади.

Таҳлил натижаларидан келиб чиқиб қуйидаги таклифларни берамиз:

- макроиқтисодий миқёсда рақобатбардошликни оширишнинг муҳим инструменти сифатида кластер схемасидаги иқтисодий субъектлар фаолиятини ривожлантириш лозим;
- кластерлардан ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги диспропорцияларни юмшатиш воситаси сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ;
- махсус иқтисодий зоналар инвестицион жозибадорлиги юқорилиги сабаб кластерлар фаолиятини ривожлантириш учун қулай ҳудудлар ҳисобланади;
- иқтисодиётнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини ошириш мақсадида кластерлар фаолиятини экспортга йўналтириш мақсадга мувофиқ;
- инвесторлар фаолиятини рағбатлантириш мақсадида турли маъмурий тўсиқларнинг камайтирилиши бизнес вакиллари ва давлат орасидаги ўзаро ишончга асосланган муносабатларни шакллантиради.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли Фармони.// Lex.uz. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
2. Гловели, Г. Д. Экономическая история в 2 т. Том 1: учебник для академического бакалавриата. — Москва : Издательство Юрайт, 2019. — 459 с.
3. Портер Майкл. Конкуренция: Пер. с англ. / Майкл Портер. — М. и др.: Вильямс, 2003. 605 с.
4. Ферова И.С., Коженова Т.В., Шорохов Р.Г. Промышленные кластеры и их роль в развитии промышленной политики региона. —М.: ИНФРА-М; Красноярск; Сиб. фидер. унив-т, 2018. 247 с.
5. Enright M. J. The globalization of competition and the localization of competitive advantage: policies towards regional clustering //The globalization of multinational enterprise activity and economic development. — Palgrave Macmillan, London, 2000. — С. 303-331.
6. Горшенева О.В. Кластеры: сущность, виды, принципы организации и создания в регионах // Экон. вестн. Ростов. гос. ун-та. 2016. № 4.
7. Navickas V., Malakauskaite A. The impact of clusterization on the development of small and medium-sized enterprise (SME) sector //Journal of Business Economics and Management. — 2009. — Т. 10. — №. 3. — С. 255-259.
8. Pinch S. et al. From 'industrial districts' to 'knowledge clusters': a model of knowledge dissemination and competitive advantage in industrial agglomerations //Journal of economic geography. — 2003. — Т. 3. — №. 4. — С. 373-388.